# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 12 январь, № 7 (7787) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, ҲУДУДИЙ ДАХЛСИЗЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятида бўлди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.

Мазкур ҳарбий қисмда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, барча замонавий қулайликлар яратилган. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу шароитларни кўздан кечирди.

**— Асосий мақсадимиз — халқ билан армия бирдамлиги. Ҳарбий қисмлар эшиклари эл учун очиқ бўлиши керак. Миллий армиямизнинг нури, маънавияти ҳаммага етиб бориши зарур. Ёшларни бу ерга олиб келиб кўрсатиш, ўргатиш керак. Бу уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз тарихи ва қудрати ҳақида билимларини бойитишга хизмат қилади. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд бўлади, — деди Президент.**

Ўқув биноси энг илғор ҳарбий тайёргарлик талабларига мос жиҳозланган. Ўқув тренажёрлари жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аскарларнинг ўқув машғулотларини кўздан кечирди. Ҳарбий билим ва кўникмаларни мактаб davriданоқ тўғри йўлга қўйиш, ҳарбий билим юртлари билан ҳарбий округлар ўртасидаги алоқани кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга бугун дунёда кузатилаётган хавф-хатарлардан келиб чиқиб, жанговар тайёргарликни янги поғонага кўтариш, хориж тажрибасини ўрганиш, энг илғор ахборот технологияларини ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ётоқхоналарда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиб, билимларини мустаҳкамлаши учун барча қулайликлар бор.

Ҳарбий қисм ошхонасига хизмат кўрсатиш бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинган. Бу аскарларнинг ҳамма вақти ва куч-ғайратини профессионал тайёргарликка қаратиш имконини бермоқда.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисмдаги тиббиёт пунктини кириб кўрди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Президентимиз ушбу пунктдаги ускуна ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, ҳарбий қисм яқинидаги Олмачи маҳалласи аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Мудофаа вазирлигининг захираси сифатида ҳар бири 500 ўринли иккита мобиль госпиталь ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари "Фориш" тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2018 йил март ойида мазкур ҳудудда бўлиб, бу ерни намунавий полигонга айлантириш, янги концепция ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги барча ҳарбий полигонларни модернизация қилиш бўйича топшириқлар берган эди. Шулар асосида ушбу махсус ўқув-синов майдони замон талабларига мослаштирилди, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилди.

Бунинг натижасини база инфратузилмаси янгиланганидан сўнг, бу ерда 2019 ва 2020 йилларда ўтказилган Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги терма жамоаси биринчиликни қўлдан бой бермай келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Полигон ҳудудида қурилган объектлар ҳақида дастлаб жой макети орқали маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбийлар ётоқхонаси, сузиш ҳавзаси, спорт залидаги шароитлар билан танишди. Марказий ва Шарқий ҳарбий округларнинг регби бўйича терма жамоалари мусобақасини кузатди.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан бир дастурхон атрофида самимий суҳбатлашди. Истеъдодли аскарлар бахшичилик санъатидан намуналар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари "Фориш" тоғ полигонида қўшинлар ихтиёридаги замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни кўздан кечирди.

Ундан сўнг Марказий ҳарбий округ қўшинларининг шартли душманни йўқ қилиш бўйича жанговар машғулотлари, ҳарбий муҳандислик амалиётлари намойиш қилинди.

Ҳарбий учувчи, полковник Бахтиёр Отажонов ўз бошқарувидаги "МИГ-29" қирувчи самолётида юртимиз ҳаво ҳужумидан мудофаа салоҳиятини намойиш қилди.

Бу каби тактик машғулотлар ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда, уларнинг замонавий ҳарбий техникалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шу ерда шахсий таркиб билан мулоқот бўлди. Президентимиз кейинги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида мустақиллигимиз, ҳудудий дахлсизлигимизнинг ишончли қалқони бўлган миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб, аскар ва офицерларнинг билими, куч-қудрати ва салоҳияти ошиб бораётганини таъкидлади.

— Бу полигон халқаро стандартларга мос бўлиши керак. Аскар ва зобитларни тайёрлаш шунга мувофиқ бўлиши зарур. Бунинг учун сифат, жанговар маҳоратга алоҳида эътибор қаратиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ҳарбийларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади.

**— Кейинги йилларда байрам арафасида учрашиш анъанага айланди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугунги Қуролли Кучларимиз беш йил олдинги армия эмас. Мудофаа доктринамиз бўйича қилинган ишлар натижасида миллий армиямизнинг салоҳияти ҳар томонлама ошди. Эришган муваффақиятларимиз билан бирга олдимизда кўп режалар, вазифалар турибди. Қўшинларнинг жанговар ҳолатини янада мустаҳкамлашимиз керак. Бунинг учун билим, тажриба, тайёргарлик зарур.**

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасининг сайланган Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Садир Жапаровни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси ҳамда Қирғизистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумнинг муваффақиятли ўтказилгани билан чин дилдан табриклади.

Ушбу ғоятда муҳим сиёсий тадбирларнинг якунлари мамлакат барқарорлиги ва изчил тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам замин яратишига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, Садир Жапаров Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқига замонавий хатарларни енгиб ўтишда ва коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашишда қардош Қирғизистонга кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш даври бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш борасида аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Булар, аввало, Давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги қўшма ишларнинг натижадорлигини ошириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кучайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувни кенгайтириш, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва бошқа жиҳатлар.

Ҳукуматлараро комиссиялар ишини фаоллаштириш, шунингдек, ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида аниқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Суҳбат очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎХШАШЛИК, БУ МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАРГА ИНТИЛИШИДИР»

*Аввал хабар берилганидек, Туркиянинг оммабоп «Business TURK» журналининг январь сони Ўзбекистон — Туркия муносабатларига бағишланди. Журналнинг ушбу сонида Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайнинг икки мамлакат муносабатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам чоп этилди.*

*Қуйида ушбу материал матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

## «Халқ сўзи» учун махсус

«Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли янгиланиш ва ислоҳотлар натижасида жозибадор мамлакатга айланди. Унинг салоҳияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Минтақадаги барча давлатлар билан қўшни бўлган Ўзбекистоннинг марказий геостратегик жойлашуви, ёш ва ҳаракатчан аҳолисини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатда кузатилаётган ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан минтақа фаровонлиги ва барқарорлиги учун ҳам янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Аждодларимиздан мерос қолган умумий маънавият ва маданиятимизда алоҳида мавқега эга Ўзбекистон билан муносабатларда, айниқса, сўнгги йилларда эришилган стратегик ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда ишлаш тажрибаси ва интилишимизнинг юқори даражасини сақлаб туриш ва янада ривожлантириш умумий мақсадимиздир.

➡ 2

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятидан қайтиб келгач, инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Дастлаб 2021 йилда тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2021 йилда 120 триллион сўм миқдоридаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, қурилиш материаллари, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё, машинасозлик ва бошқа тармоқларда қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган 14 та йирик инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Масалан, Сирдарё шаҳрида фаолият юритаётган полиэтилен қоп ва енгил контейнерлар ишлаб чиқариш корхонасида 2 мингга яқин кишилар меҳнат қилмоқда. Бунинг давоми сифатида, "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан "спанбонд-мелтблаун" нотўқима матоларини ишлаб чиқаришга қаратилган 94 миллион долларлик лойиҳа режалаштирилган.

Умуман айтганда, янги лойиҳалар самарасида махсус техникалар, полиметалл маҳсулотлар, геосинтетик материаллар, минерал пахта асосида қурилиш плиталари, қувур, ойна ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кичик саноат зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш, саноат инфратузилмасини яхшилаш, кластер ва технопарклар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевга, шунингдек, пойтахтимизда инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши борасида маълумот берилди. Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 3,7 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилгани қайд этилди. Қиймати 11 триллион сўмдан зиёд 306 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, қарийб 13 мингта янги иш ўринлари яратилган.

Мисол учун, Бектемир туманидаги "ДСК Бинокор" масъулияти чекланган жамият 504 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига темир-бетон маҳсулотлар, Сергели туманидаги "Bek Mega Textile" корхонаси 119 миллиард сўмлик инвестиция эвазига тўқимачилик товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этган.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2021 — 2023 йиллар учун қиймати 109 триллион сўмдан зиёд 1 минг 277 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Шундан қарийб 4,9 миллиард доллари хорижий инвестиция ва кредитларга тўғри келиши кутилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар 86 мингга яқин иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

Жорий йилда мазкур лойиҳалар доирасида барча манбалар ҳисобидан 4,1 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган. 454 та лойиҳани ишга тушириб, қарийб 29 минг кишини иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли, замон талабларига мос равишда амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берди.

**ЎзА.**

## Муносабат

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ҚУДРАТИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЮКСАК

*Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифи чоғида Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.*

*Шундан сўнг давлатимиз раҳбари "Фориш" тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди. Ҳарбий хизматчилар билан бир дастурхон атрофида самимий суҳбатлашди. Бу Ватан ҳимоячиларининг руҳини янада кўтарди. Қалбларида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари шулар ҳақида.*

➡ 3

# «ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎХШАШЛИК, БУ МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАРГА ИНТИЛИШИДИР»



1

Президент Ражаб Таййип Эрдўған ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида ва қатъиятли саъй-ҳаракатлари билан ўзаро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасида Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил қилингани ўзаро муносабатларимизнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш билан бирга, келгуси алоқаларимиз учун истиқболли уфқларини очиб берди.

Бошқа томондан, камина ҳамраислик қилаётган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия механизми доирасида давлатларимиз ўртасидаги кучли иқтисодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, ҳамкорлик ва шериклик мақсадларини янада юқори даражага кўтариш учун муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

2019 йил 23 июль куни бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 5-йиғилишидан сўнг 2020 йил 19 февраль куни Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгаши доирасида имзоланган «Йўл харитаси» билан савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, таълим, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, технология, ижтимоий таъминот каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳақида келишиб олдик.

Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 5-йиғилиши доирасида ташкил этилган Ўзбекистон — Туркия бизнес форумида эса 400 га яқин ишбилармонларнинг қатнашгани ҳам ўзига хос ижобий натижалар бермоқда.

Ҳамкорлик бўйича «Йўл харитаси» бандларини аниқлаш билан бирга, асосий мақсадимиз ҳисобланган — ушбу бандлардаги вазифаларни амалга ошириш механизмларига алоҳида эътибор қаратдик. Натижада 2020 йил юзага келган коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозга қарамай, биз ўзбек биродарларимиз билан турли платформаларда яқин ва конструктив ишлашни давом эттирмоқдамиз.

Хусусан, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Сардор Умурзоқов раҳбарлигидаги делегациянинг 2020 йил 28 июль куни мамлакатимизга ташрифи чоғида биз икки томонлама муносабатларнинг деярли барча масалаларини келишиб олдик. Жумладан, Ҳукуматлараро қўшма иқтисодий комиссия томонидан имзоланган «Йўл харитаси» бандларини муҳокама қилдик, шунингдек, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга қаратилган одимларни кўриб чиқдик.

Конструктив муҳитда ўтган ушбу учрашувда мен яна бир бор ўзбек биродарларимиз билан ҳамфикр ва олдимизга қўйган мақсадларга эришишда якдил эканимизни ҳис қилдим.

Ўзбекистон билан ўртамиздаги яна бир ўхшашлик, бу мамлакатларимизнинг ислоҳотлар ва янгиланишларга интилишидир.

Сўнгги тўрт йилда Ўзбекистонда кузатилаётган ислоҳотлар жараёни мамлакатимизнинг сўнгги 18 йил ичидаги муваффақиятлар тарихини эсга солишини мамнуният билан айтмоқчиман.

Ўхшаш муваффақиятларимиз ва муштарак марралар, биз олдимизга қўйган мақсадларга қисқа вақт ичида эришиш имконига эга эканимизни кўрсатмоқда.

2019 йил икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 36 фоиз ўсди ва тахминан 2,4 миллиард долларга етди. Ушбу эътиборга молик ўсиш бизни биринчи мақсадимиз — 5 миллиард долларлик савдо ҳажмига бир қадам яқинлаштирди. Гарчи 2020 йилнинг дастлабки 10 ойи маълумотларига кўра, глобал эпидемия шароитлари сабабли савдо ҳажми 13,5 фоиз қисқарганини кўрсатса-да, биз бу йилги маълумотларни салоҳиятимизга мувофиқ дея олмаймиз. Фавқулодда сабаблар туфайли юзага келган ушбу пасайишнинг ўрнини янги йилда албатта тўлдирамиз, деб умид қиламан.

Ўтган йили мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаган Ўзбекистон, айниқса, сўнгги йилларда ўз тарихида муҳим йўлни босиб ўтди.

Пандемия сабабли 2020 йил дунёда рецессия кузатилган бўлсада, 2021 йил мамлакатларимиз учун ўзаро муносабатларда катта муваффақиятлар йили бўлади, деб ишонаман.

Туркия Ўзбекистоннинг барча соҳадаги салоҳиятидан яхши хабардор. Ушбу салоҳиятни рўёбга чиқариш учун биродар Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр.

Умумий фаровон келажак учун биз ҳамкорлик йўналишларини диверсификация қилиш ва мавжудларини чуқурлаштиришда давом этишимиз керак. Зеро, пандемиядан кейин юзага келиши муқаррар бўлган янги дунё тартиби бизга ушбу доирада янги имкониятлар тақдим этади.

Дўст мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз манфаатлари йўлида ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш бизнинг вазифамиздир».

**«Дунё» АА.**
Анқара.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИ

*Ҳар йили давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси кириб келган янги йилнинг кенг кўламли ва мақсадли режалари билан халқимизга куч-қудрат, ҳаётимизга эркинлик ҳамда фаровонлик, келажагимизга катта ишончни мустаҳкамлаб беради.*

## Акс садо

Мурожаатномани тинглар эканман, янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, шаҳар ва қишлоқлардаги ободлик, ҳар бир оиланинг бахт-иқболи, ёш авлоднинг куч-қудрати, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган бетакрор ютуқлар ва жаҳон ҳамжамиятининг юртимизга ҳаваси ҳамда эътирофи кўнглимдан ўтди. Орзу-мақсадлар улғайгандек бўлди. Янги ниятлар, янги режалар биз яхшиликлар умиди билан кутган 2021 йилга мазмун бағишлагандек бўлди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари янги йил арафасида мамлакатимиз ёшлари форумида нутқ сўзлаб, ёш авлоднинг ғайрат-шижоати, куч-қудрати халқимиз кўнглини тоғдай кўтараётганлиги, улар юртимизнинг энг катта бойлиги ва бебаҳо хазинаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтгани ҳаётимизга қувонч ҳамда бахт туйғуларини олиб киргандек бўлди.

Ёшлар анжуманидаги нутқ ва халқимизга йўлланган Мурожаатнома орқали амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, унда ёш авлоднинг азму шижоати, юртимиз равнақида йўлчи юлдуздек бўлиб, нур сочиб турганлигини англадик.

Айниқса, халқимизнинг коронавирус пандемиясидек глобал офатга сабр-матонат билан жавоб бергани, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида “кўринмас офат”ни енгиш учун олиб борилган режали дастурлар халқ саломатлиги учун кўрсатилган меҳр ва эътиборнинг ёрқин намоёни бўлгани Мурожаатномада ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Шу ўринда Қорақалпоғистонда ҳам халқимизнинг бирдамлиги, қийинчиликларни мардона енгиб ўтишдаги ҳамкорлик, дўстлик, биродарлик, сабр ва ирода каби қадриятларнинг улуғворлигини ҳис қилдик. Айниқса, пандемиянинг илк кунлариданоқ нафақат кам таъминланган оилалар, балки кўплаб фуқароларимиз даромадини йўқотиб, ишсиз қолганлиги — халқимизни янада жипслашиб, бу қийинчиликларни бирга енгишга ундади. Саховатпеша тадбиркорларимиз сони ошди, эл корига ярайдиган инсонлар сараланди, халқ бир бўлди.

Айниқса, “темир дафтарга” киритилган эҳтиёжманд аҳоли, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасида режали ишлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистонда ҳам 30 мингга яқин ишсиз фуқаролар доимий иш билан таъминланди. 2 минг нафарга яқини эса меҳнат бозоридаги талаб бўйича турли касбларга ўқитилди. Ишсизларга ишсизлик нафақаси берилди.

Бу каби кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда юртимизда ҳаёт ўз изига тушиб, иқтисодиётимиз ҳам барқарор ривожланиш босқичига ўтганлигини кўрмоқдамиз, ўзимиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мурожаатнома ва Ёшлар форумидаги нутқда Президентимиз буюк аждодларимизнинг ҳикматларини тилга олиб ўтгани кўпчиликнинг эътиборини тортди.

“Буюк аждодимиз Муҳаммад Хоразмийнинг “Сўз — гул, иш — мева”, деган ҳикматли сўзлари бор. Ўйлайманки, бугун белгилаб оладиган режаларингиз қанчалик пишиқ-пухта бўлса, ишингиз ҳам шунчалик яхши самара беради”, деди давлатимиз раҳбари ёшларга мурожаат қилиб.

Ўз навбатида, бундай ишонч, меҳр ва эътибор қорақалпоғистонлик ёшларни ҳам катта марраларга руҳлантирмоқда. Хусусан, ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш соҳаларида олиб борилаётган тадбирларни мисол қилиб кўрсатсак бўлади.

Ўтган йил давомида Нукус шаҳри, Мўйноқ, Бўзотов, Тахтакўпир, Амударё, Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманларида ёшлар билан оммавий сайёр қабуллар ҳамда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ёшларнинг мурожаат ва таклифларидан келиб чиқиб, жами 100 дан ортиқ маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 20 мингга яқин ёшлар қамраб олинди.

Айниқса, ёшларнинг соҳалар бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 125 та онлайн вебинар ҳамда маҳорат дарслари ўтказилиб, уларда 20 мингдан ортиқ ёшлар ўз малакасини оширди. Шунингдек, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва китобхонликни тарғиб этиш мақсадида Telegram тармоғида 4 та аудиокитоблар канали ишга туширилди.

Ёшлар иттифоқи Амударё, Беруний, Хўжайли, Тахиатош, Шуманай, Чимбой, Тахтакўпир туман кенгашлари ташаббуси билан ёшлар етакчилари томонидан йигит-қизларнинг маънавиятини юксалтириш ҳамда китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида мактаб кутубхонасидан ўқувчиларнинг уйларига 5 мингдан ортиқ китоблар етказиб берилди.

Ёшларимизнинг интеллектуал қобилиятини ошириш, уларда ватанпарварлик туйғусини ўстиришда бу тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида ҳам бу борадаги ишларимизни янги мазмун-моҳият билан бойитган ҳолда давом эттирамиз. Шу кеча-кундузда ҳам бир гуруҳ Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, ислоҳотлар жараёни қандай кечаётганини, бу ўзгаришлар ҳамда янгиланишлар ҳар бир хонадонга кириб боришини ўрганмоқда. Токи, қорақалпоқ элига давлат раҳбари томонидан шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилар экан, бу юрт гуллаб-яшнайди.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

# ТАШҚИ ВА ИЧКИ СИЁСАТ УЙҒУНЛИГИ — ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ

*Давлатимиз раҳбарининг жорий йилга мўлжалланган устувор мақсад ва вазифаларни қамраб олган парламентга Мурожаатномаси мамлакатимиздаги муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлди.*

Унда барча соҳада доимий ривожланиш, ислоҳотларни изчил давом эттириш бизга, ҳозирги қийинчиликларга қарамай ишонч билан олдинга қадам ташлашимиз учун имкон беради, деган аниқ ғоя мужассам.

Аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро нуфузи ва обрўсини оширишдан иборат асосий вазифалар белгиланган. Уй-жой масаласини ҳал қилиш йўллари таклиф этилмоқда, оила ҳамда болалик, сифатли таълим, соғлиқни сақлаш тизими, экология, маданият ва илм-фанни ривожлантириш масалалари ҳам кенг қамраб олинган.

Шунингдек, унда Президентимиз томонидан илгари сурилган очиқлик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаат, конструктивлик ва давлатлараро ўзаро муносабатларнинг мураккаб масалаларини кўриб чиқишда оқилона муросага тайёрлик тамойилларига асосланган халқаро муносабатларнинг мутлақо янги парадигмаси ўз ифодасини топган бўлиб, бу миллий парламентимиз, шу жумладан, қўмитамизнинг бундан кейинги фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, энг яқин қўшниларимиз — Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, энг яқин ҳамкор давлатлар — Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш яна бир бор устувор вазифалар этиб белгиланди.

БМТ ҳамда бошқа нуфузли халқаро тузилмалар (МДҲ, ШҲТ ва бошқа ташкилотлар) доирасида республиканинг фаол ўзаро алоқаларини давом эттириш, шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳамда бошқа қатор интеграцияга қаратилган лойиҳаларда Ўзбекистоннинг қатнашиш масалаларини ўрганиш муҳимлиги қайд этилди. Чет элда яшовчи кўп сонли ватандошларимиз билан фаол иш олиб боришни янада кучайтириш режалаштирилганлигига ҳам урғу берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Мурожаатномада шакллантирилган вазифалар миллий манфаатларимизга хизмат қилади, яъни мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни назарда тутади.

Шу сабабли “иқтисодий дипломатия”ни тарғиб қилиш ва чет элда фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда, ушбу соҳалардаги ишлар натижалари Ташқи ишлар вазирлиги ва республиканинг хорижий дипломатик ваколатхоналари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларига айланди.

Охирги 4 йилда амалга оширилган Янги Ўзбекистон сиёсати ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижалари давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг бевосита ўзаро уйғунлигини тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги ҳайратланарли ютуқларига кўп жиҳатдан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида амалга оширилган туб ислоҳотлар ҳамда эришилган муваффақиятлар пойдевор бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Умуман, мазкур Мурожаатноманинг ҳам бутун маъноси ва руҳияти “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойилни амалга оширишга қаратилганлиги билан ҳам улкан аҳамиятга эга.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**



## Қонунчилик палатаси қўмиталарида

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан фракциялараро амалий мулоқот ташкил этилди. Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни изчил давом эттириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.*

# ИНСОН ҲУҚУҚ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ички ишлар органларининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятида қийноққа солиш, шафқатсиз ҳамда ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи ҳаракатларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилган шахсларни тўғри ижтимоий ҳаётга йўналтириш мақсадида Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 54 та жазони ижро этиш муассасаси мавжуд. Шундан 18 таси ёпиқ турдаги, 25 таси манзил колония ва 11 таси тергов ҳибсхонасидир. Ички ишлар вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, жазони ижро этиш тизимида 22 мингдан ортиқ маҳкумлар, шундан 7 мингдан зиёди манзил колонияда, 14 мингдан кўпроғи ёпиқ турдаги колонияда жазо муддатини ўтамоқда.

Шунингдек, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда қийноқ ва жисмоний тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тизимдаги 54 та жазони ижро этиш муассасаси 3 280 дона замонавий видеокузатув мосламаси билан жиҳозланган. Шундан, 2 203 таси жазони ижро этиш муассасаси яшаш саҳнига, 432 таси ишлаб чиқариш саҳнига, 645 таси ташқи маъмурий ҳудудга ўрнатилган.

Ўтган давр мобайнида Жиноят-ижроия кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ушбу соҳадаги бир қатор ислоҳотларни қонуний мустаҳкамлади. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини янада кенгайтириш мақсадида вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун жазо ўтаётган маҳкумларга илк маротаба сайлов ҳуқуқи берилди. Эътиборлиси, жазони ижро этиш муассасасида маҳкумларни рағбатлантириш комиссияси таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳудудий вакиллари киритилди.

Тадбирда Мурожаатномада давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳада галдаги вазифа сифатида 25 та манзил-колония босқичма-босқич қисқартирилиши, биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилганда тўғридан-тўғри пробация назоратига олиниши ҳамда жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил қилинадиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилиши бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар борасида таклифлар билдирилди.

Муҳокамалар якунида жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш, умуман олганда, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда Қонунчилик палатаси олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир якунида билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, қўмита томонидан 2021 йилги Давлат дастурига киритиш учун ишчи гуруҳга юборилди.

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан “Барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашда изчил ва конструктив ташқи сиёсатни олиб боришнинг устувор йўналишлари” мавзуида фракциялараро амалий мулоқот ўтказилди.*

Тадбирда Президентимиз Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ижроси юртимизнинг халқаро майдондаги имижини юксалтиришга, халқаро ҳамкорлик учун хавфсиз ҳамда барқарор муҳитни шакллантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Тўлқин Каримов Ташқи сиёсий фаолият концепцияси — давлатнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсад ҳамда вазифаларини қамраб олувчи, миллий манфаатларни илгари суриш, амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ механизмлар ҳамда устувор йўналишларни белгилаб берувчи, ўзида мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойилларини тизимли равишда ифода этувчи доктринал ҳужжат ҳисобланишини таъкидлади.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Мамажонов таъкидлаганидек, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган. Минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк ҳисобланган. Депутат сиёсий, савдо-иқтисодий, трансчегаравий, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегараларни делимитация ҳамда демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби энг долзарб муаммолар минтақа давлатлари томонидан очиқ ва дўстона руҳда ҳал қилинаётганига ўз муносабатини билдириб ўтди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Муҳаммад Валиев Ўзбекистоннинг асосий хорижий шериклари ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа қатор давлатлар билан кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмаслиги, шунингдек, ушбу мамлакатлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги энг ишончли шериклари ҳисобланишига доир фикрлари билан ўртоқлашди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Вафоев Ўзбекистон ва Афғонистоннинг конструктив ҳамда дўстона муносабатлар ўрнатиш борасидаги жиддий интилишлари 2017 йилда томонлар ҳамкорлиги учун мисли кўрилмаган даражадаги истиқбол эшикларини очганлиги, Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий ҳамкорликка қўшилиши учун ҳар томонлама кўмак беришимиз жуда муҳимлиги, бундан ташқари, ушбу мамлакат ҳудудидаги таҳдидлар қанчалик кам бўлса, миллий хавфсизликни таъминлашга сарф этиладиган харажатларимиз шунчалик қисқариши ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

Экологик партия фракцияси аъзоси Муқаддас Тиркашева Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш масаласига ҳам кенг эътибор қаратилиши лозимлигини қайд этди.

Тадбирда фракция аъзолари билдирган фикр-мулоҳазалар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# «БИР СУД — БИР ИНСТАНЦИЯ» ТАМОЙИЛИ

## суд қарорларининг адолатли, қонуний ҳамда барқарорлигини таъминлашда бош мезон

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Мурожаатнома: суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичи” мавзуида давра суҳбати видеоконференцалоқа тарзида ташкил этилди.*

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллаши, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўплиги, янги йилдан бошлаб жорий этиладиган “Бир суд — бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ҳамда барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Қайд этилганидек, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга кўра, янги йилдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ҳамда иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида дастлабки эшитув институтини киритиш, апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш, прокурорнинг айбловдан воз кечишининг процессуал тартибини белгилаш назарда тутилган.

Қонун талабларига мос равишда расмийлаштирилган шикоятни Олий суд судьяси томонидан судлов ҳайъатига киритишни рад этиш ваколати бекор қилинмоқда. Бундан мақсад шикоятни якка тартибда мазмунан ҳал этишнинг олдини олиш бўлиб, эндиликда процессуал кодексларда белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда берилган барча шикоятлар Олий судда кассация инстанцияси иш юритувига қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Олий суд томонидан кўрилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Жиноят-процессуал кодексига янги очилган ҳолатлар туфайли жиноят иши бўйича иш юритишни қайтадан бошлашнинг аниқ қоидаларини белгиловчи қўшимчалар киритилмоқда. Уларга кўра, ушбу ҳуқуқни илгари назарда тутилганидек нафақат прокурор, балки жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳам амалга ошириши мумкин.

Муҳокамалар давомида мазкур қонунларнинг қабул қилиниши жамоатчиликда қизиқиш уйғотаётгани, бироқ айрим масалалар тушунмовчиликлар келтириб чиқараётганлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, қонун кучга киргандан сўнг апелляция шикояти беришга улгурмаган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш, хусусан, улар томонидан муддатни ўтказиб юбориш ҳолатларини узрли, деб топиш лозимлиги ҳақидаги жамоатчилик фикрига муносабат билдирилди.

Олий суд вакиллари қонун ўзгариши муносабати билан шикоят беришга улгурмаган процесс иштирокчиларига, уларнинг шикоятини судлар томонидан қабул қилиш имконияти яратилишини таъкидлади.

Худди шундай, қабул қилинаётган қонунларнинг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар, жумладан, судьялар ва суд ходимларининг тайёргарлиги, бу борада кўрилаётган ташкилий чора-тадбирлар ҳам танқидий муҳокама килинди.

Қизғин савол-жавоб руҳида ўтган давра суҳбатида иштирокчилар томонидан Мурожаатномада назарда тутилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини амалиётга жорий этишга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳияти, уларни қўллаш механизмлари судьялар, адвокатлар, прокурорлар ва тергов органи ходимларига тушунтириб борилиши, шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**



# ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ БАХТИ

*“Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!”*

*Ҳар қандай киши ушбу ғояни эшитганда ёхуд ўқиганда қалбида ажиб бир ҳис, айниқса, юртига нисбатан ватанпарварлик туйғуси жўш уриши табиий. Ушбу ғоя остида ўтказилаётган кенг қамровли ташкилий, маънавий-маърифий тадбирлар, ватанпарварлик ойликлари ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*



Энг улуғ айём — Мустақиллик байрами сингари барчамизнинг юрагимиздан чуқур жой олган, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг йигирма тўққиз йиллиги мамлакатимиз бўйлаб катта шодиёна ва кўтаринки руҳ билан қарши олинаётир.

Сўнгги йилларда мудофаа ва хавфсизлик соҳаларига доир қонун ҳужжатларининг меъёрлари ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди. Бу оддий ҳақиқатни Қуролли Кучларимиз нуфузи ва қудратидан ифтихор туяётган ҳарбийлар, муқаддас бурчини ўтаб қайтган ёки хизматга боришга шайланаётган минглаб йигитлар, уларни дуолари билан қўллаётган ота-оналару кексаларимизнинг, севимли ёри хизматдан қайтишини интиқ кутаётган мунис опа-сингилларимизнинг, ҳарбий акаларига ўхшаб Ватанга содиқ фарзанд бўлиш иштиёқида униб-ўсаётган ёшларимизнинг кайфиятидан ҳам яққол сезиш мумкин.

Ўз кучи, билими ва салоҳиятига таянган ҳолда ўз тақдири ва тараққиёт йўлини белгилашдек мутлақ ҳуқуқни, бу йўлдаги буюк аждодларимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш истиқлолимизни ҳимоя қилиш деганидир. Зеро, мустақиллик аталмиш олий неъматни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади. Бу борада она Ватанимиз мудофааси йўлида фаолият юритаётган Ўзбекистон армияси, унинг сафларида халқимиз ва Президентимизга садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбийларимиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Айниқса, армиямиз халқимиз билан бир тану бир жон эканлигига мамлакатимизда COVID-19 касаллигига қарши олиб борилган кенг миқёсли чора-тадбирлар, Сардоба ҳамда Бухорода юз берган техноген ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этишдаги саъй-ҳаракатлар жараёнида ҳам барчамиз гувоҳ бўлдик.

Охирги йилларда Асосий Қонунимиз меъёрлари асосида ҳарбий соҳага оид қонун ҳужжатлари қайтадан кўриб чиқилиб, армиямизнинг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди. Инсон омили энг олий қадрият ҳисобланган давлатимизнинг бошқарув сиёсатидаги мақсад ва вазифаларига мос равишда ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун имтиёз ва шароитлар, ҳуқуқий кафолатлар кўлами кенгайтирилиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи устувор даражага кўтарилди.

Ўз навбатида, қонунчилигимизда ҳарбий хизматчиларга хизмат қилиш ва яшаш учун муносиб шароит яратиш, уларни ва оила аъзоларини хизмат уйи билан таъминлаш, тураржойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик товон пули тўлаш, уй-жойни хусусийлаштириш, хонадон сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш ва белгиланган тартибда уй баҳосининг 50 фоизигача бўлган қисмини тегишли вазирлик ҳисобидан қоплаб бериш, фарзандлари учун олий таълим муассасаларига киришда алоҳида квоталар ажратиш каби қатор имтиёзлар ҳамда бунга доир ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилди.

> Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 29 декабрида Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаган мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислоҳотларни, хусусан, Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини давом эттириш йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ижрога қаратилиб, бу борада барча қўшинлар қўмондонликлари, ҳарбий округлар, ҳарбий қўшилма ва тузилмалар, ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорликда амалий тадбирлар изчил олиб борилмоқда.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони 2020 йили шу сана муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият қаратамиз, дея алоҳида таъкидлаганидан ҳам ижтимоий ҳимоя ҳарбий бошқарув сиёсатида энг устувор вазифа эканини англаш қийин эмас.

Ўтган йилнинг ўзида Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлари қўмондонликлари томонидан ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва пенсионерларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида 1 минг 700 дан ортиқ янги хонадонлар ажратилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини биз, ҳарбий прокуратура органлари ходимлари касб байрами, яъни 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни қаторида кенг нишонлаймиз. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 февралдаги “Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги Фармони билан республика ҳудудидаги ҳарбий прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсундирилиб, собиқ Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий прокуратураси ташкил этилган эди.

Кейинчалик 1999 йил 30 март куни “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, ҳарбий идораларда ва вазирликлар ҳамда идораларнинг ҳарбийлаштирилган таркибий бўлинмаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан тўлиқ ва самарали прокурор назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси раҳбарияти таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозими жорий этилиб, ҳарбий прокуратура ходимларининг ҳарбий хизматчи ҳуқуқий мақоми ҳамда бу борадаги барча таъминот турлари, имтиёз ва кафолатлар сақлаб қолинди. Шу боис хизматимиз нуқтаи назаридан ҳам Ватан ҳимоячилари куни биз учун муҳим сана ҳисобланади.

Бугунги кунда Республика Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси ва 14 та ҳудудий ҳарбий прокуратура офицерлари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан куч олиб, одамларни рози қилиш, Ўзбекистон равнақига муносиб ҳисса қўшиш учун фаолиятга янгича ёндашув билан Ватанга хизмат қилмоқда.

Соҳада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қўшинларда ҳуқуқ-тартибот ва юқори ҳарбий интизомни барқарор сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хил ижро этилишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучлар қўшинлари қўмондонликлари билан ҳамкорликда ўтган йили қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Пандемия шароитида кучайтирилган санитария-эпидемиология талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш юзасидан карантин объектлари доимий равишда ўрганилиб, фуқароларимиз муҳофазасига жалб қилинган ҳарбийлар, бундан ташқари, кенг жамоатчилик ўртасида 2 мингга яқин тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Ижтимоий ҳимоя ва моддий ёрдамга муҳтож фуқароларнинг ҳолидан хабар олиниб, кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқатлар, тиббий воситалар ва бошқа зарур буюмлар бепул тарқатилди. Марказдаги ва олис ҳудудлардаги ҳарбий шаҳарча ва маҳаллаларда арзонлаштирилган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда бошқа товарлар кўчма ярмаркалари ташкил этилди.

Ёш авлодни ватанпарварлик, бурчга садоқат ва эл-юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш мақсадида ёшлар иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда “очиқ эшиклар куни” ва турли анжуманлар, таълим даргоҳлари ва Меҳрибонлик уйларида юзма-юз мулоқот, ташвиқот ишлари, прокурорлик соати, “Прокурор ва ёшлар учрашуви” каби 1 300 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Уларда қарийб 31 минг киши, шу жумладан, 20 мингдан зиёд муддатли ва контракт бўйича ҳарбий хизматдаги ёш ҳарбийлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва сафарбарлик чақируви резервида бир ойлик йиғинга жалб қилинганлар қамраб олинди.

Бандликка кўмаклашиш мақсадида ўтказилган меҳнат ярмаркалари ва бошқа саъй-ҳаракатлар натижасида ишлаш истагидаги 500 дан зиёд ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг доимий иш билан таъминланишига эришилди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, янги қонун ҳужжатлари, қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, суд-ҳуқуқ, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш учун давлат ҳокимияти вакиллари, Қуролли Кучлар таркибидаги вазирлик ва идоралар қўмондонликлари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида 7 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди.

**Очиқ мулоқот ўтказиш орқали муаммоларни аниқлаб, ҳал қилиш мақсадида:**

**— ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва ёшлар ўртасида 66 марта сайёр қабул ўтказилди;**

**— сайёр қабулларда 2 минг 800 дан зиёд фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, улар баён этган муаммоларни жойида ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди;**

**— бу борадаги тадбирлар ҳарбий прокуратура органлари томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да ҳам жадал давом эттирилади.**

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 29 декабрида Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаган мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислоҳотларни, хусусан, Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини давом эттириш йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалар ижрога қаратилиб, бу борада барча қўшинлар қўмондонликлари, ҳарбий округлар, ҳарбий қўшилма ва тузилмалар, ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорликда амалий тадбирлар изчил олиб борилмоқда.

Умуман олганда, мустақиллигимиз ва тинчлигимизни асраб-авайлаш, инсон манфаати ва халқимиз розилиги йўлида хизмат қилиш биз учун энг олий шараф, энг улуғ бахтдир. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон армиясида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни, Қуролли Кучларимиз фахрийларини, қолаверса, юртдошларимизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 29 йиллиги байрами билан қутлайман. Буюк халқимизга ва Ватанимизга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш бахти ҳар биримизга муборак бўлсин!

**Шухрат УЗАКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, генерал-майор.**

# ҲАРБИЙЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ



*Мамлакатимизда Ватан ҳимоячиларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами кенгайиб бораётир. Жойларда ҳарбий шаҳарчалар бунёд этилмоқда, ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда замонавий уй-жойлар билан таъминланаётир.*

Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида Навоий вилоятида ҳам ҳарбий соҳада меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимизга Навоий шаҳрининг 18-кичик даҳасида қурилган тураржойлардаги хонадонлар калитлари топширилди.

— Йигирма бир йиллик ҳарбий хизмат давомида вилоятларда ижарада яшашга тўғри келди, — дейди уч хонали уй соҳиби бўлган Улуғбек Қўзиев. — Хонадонимиз кенг ва шинам, бу ерда оиламиз учун барча шароит яратилган. Бу қулайликлар хизмат бурчимизни оиламиздан кўнглимиз тўқ ҳолда, юксак даражада адо этишга яна бир имкониятдир.

Миллий гвардия ходими Жўрабек Муродовнинг ҳам қувончи чексиз. Унинг оиласига ҳам шинам ва замонавий уй насиб этди.

“Биз ҳарбийлар бу ғамхўрликдан руҳланиб, ўз устимизда тинимсиз ишлаб, сиёсий ва жанговар тайёргарлигимизни янада оширамиз, янги-янги марраларни забт этамиз”, дейди у зўр мамнуният билан.

Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига хонадонлар калитини вилоят ҳокими К. Турсунов ва Мудофаа вазирлиги мутасаддилари топширди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

*Тинчлик — инсон учун муқаддас қадрият. Осойишталиги, ҳаловати бузилган одамда қалб хотиржамлиги бўлмайди. Демакки, у бунёдкорона мақсадлар йўлида интилишдан, фаровонлик йўлида қадам ташлашдан тўхтайди. Шундай экан, ҳаётимизда тинчлик ҳамда тотувликнинг қадри ғоят юксак.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорлик, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ҳамда стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Яхши биламиз, жанговар қобилият, салоҳият муайян омилларни қамраб олади. Дейлик, унинг негизида Ватан ҳимоячиларининг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий сифатлари, жисмоний тайёргарлиги ва мустаҳкам интизоми ётади. Демак, бу ўз-ўзидан ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласини ўртага қўяди.

Юртимиздаги мавжуд олий ҳарбий билим юртларида хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрларни тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилдики, бу соҳадаги айрим муаммолар ечимида қўл келди. Бугун талаба-ёшлар Қуролли Кучлар Академияси, шунингдек, бошқа ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг илғор тажрибаларидан сабоқ олишяпти.

Энг асосийси, ҳудудларда “Темурбеклар мактаби” фаолияти йўлга қўйилгани ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, она юртга содиқ ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этяпти. Буларнинг барчаси ҳарбий кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизими такомиллашаётгани, ҳарбий таълим тизимига моделлаштириш ҳамда симуляция усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ этилаётгани самарасидир.

Ҳарбий ислоҳотларнинг яна бир муҳим хулосаси шундаки, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соҳа хизматчилари ва оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган аниқ мақсадли дастурлар амалга оширилаётир. Бу борадаги хайрли ишлар ҳар йили юртимиз бўйлаб кенг нишонланадиган Ватан ҳимоячилари куни арафасида янада кенг қулоч ёяди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, яқин-узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада жадаллаштиришимиз лозимлиги, келгуси йилда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислоҳотларимизни оғишмай давом эттиришимиз кераклиги алоҳида таъкидланди.

Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳам уқтирилди.

Албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган муҳим ўзгариш ва янгиланишлар миллий армиямиз қудратини оширмоқда, халқ якдиллигини мустаҳкамлаяпти.

Бу жараёнда барчамизнинг вазифамиз амалга оширилаётган ишларга, Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлигига томошабин бўлиб эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ҳисса қўшишдир.

**Раъно ТУРДИБОЕВА,**
**Тошкент давлат аграр университети проректори, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати.**

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ҚУДРАТИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЮКСАК

1

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ,**
**майор:**

— Президентимиз ташаббуси билан ҳар томонлама замонавий инфратузилмага эга бўлган ҳарбий қисм барпо этилди. Ушбу мажмуа халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув бинолари, ётоқхоналар, маданият марказлари, ошхона ҳамда ҳарбий хизматчилар спорт билан шуғулланишлари учун залларга ҳам эга. Бу имкониятлардан биз кенг фойдаланган ҳолда, ўз билим савиямизни янада ошириб борамиз.

Ҳозирги кунда ҳарбий хизматчиларга бўлган эътибор катта. Бунга яққол мисол сифатида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари имтиёзли равишда олий таълим даргоҳларига қабул қилинаётганини айтиш мумкин. Қолаверса, ҳарбий хизматчиларга имтиёзли равишда уй олишлари учун ипотека кредитлари ажратиляпти. Мен ҳарбий бўлганимдан, шу касбни шараф билан бажараётганимдан фахрланаман.

**Дониёр ҒАНИЕВ,**
**капитан:**

— Ҳарбий қисмнинг замонавий ўқув биноси 36 та синфдан ташкил топган бўлиб, энг илғор ҳарбий тайёргарлик талабларига мос жиҳозланган. Бу ерда ҳарбий ҳизматчиларнинг мутахассисликлари бўйича машғулотлар олиб борилади.

Ўқув тренажёрлари жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган. Бизга яратилган қулай шароитлар ўз натижаларини бераётир. Ҳарбий хизматчиларимиз турли халқаро армия мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам бугунги кунда ушбу соҳага қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

**Исомиддин АБУЛҚОСИМОВ,**
**кичик сержант:**

— Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳар доим ҳарбий хизматчилар нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук инсон бўлишлари кераклигини айтади. Шунинг учун кутубхонамизга мунтазам кириб, ўзимиз севган китобларни ўқиб борамиз. Ётоқхонамиз ҳам шинам ва ёруғ.

**«Халқ сўзи».**

Янгиликлар, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

# ТЎРАҚЎРҒОНДА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ҚУРИЛАДИ

*Тўрақўрғон туманида туркиялик сармоядорлар иштирокида автомобиль заводи қурилади. Вилоят марказига ёндош ушбу туманда барпо этиладиган корхонада Туркиянинг “Manas Savunma A.S” компанияси томонидан киритиладиган хорижий инвестиция билан Хитойнинг “Фотон” русумли автомобиллари ишлаб чиқарилади.*




Лойиҳа ишлари якунланган ҳамда яқин кунларда тамал тоши қўйиладиган завод “Манас автосаноат” МЧЖ ҚК томонидан “Наманган” ЭИЗ ҳудудида 7 гектар майдондан жой олади. Умумий қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа наманганлик тадбиркор Воҳид Ҳамидовнинг 2 миллион АҚШ доллари қийматидаги сармояси ҳамда “Manas Savunma A.S” компаниясининг 8 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияси асосида рўёбга чиқарилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида ишга туширилиши режалаштирилган ушбу заводда 150 дан зиёд иш ўринлари яратилади. Режага мувофиқ, бу ерда йиллик 3 минг дона 1 тоннадан 2,5 тоннагача юк кўтариш қувватига эга бўлган кичик юк автомобиллари ҳамда 14 — 21 ўринли микроавтобуслар ишлаб чиқарилади.

Корхона маҳсулотлари ички бозор билан бирга, МДҲ мамлакатлари ҳамда Афғонистонга экспорт қилинади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТИРГАГИ

*Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги “Бағдод мебель” хусусий корхонаси томонидан чинор, ёнғоқ ва қайрағоч дарахтларидан 300 турдаги мебель жиҳозлари тайёрланяпти.*



— Фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида умумий қиймати 12 миллиард сўм бўлган бизнес-режа доирасида тўрт қаватли замонавий бино қурилмоқда, — дейди корхона раҳбари Акмалдин Деҳқонов. — Бу иншоот жорий йил якунига қадар тўлиқ ишга туширилади. Истиқболли лойиҳа асосида қўшимча 250 та иш ўрни яратиш ва корхона маҳсулотларини Россия ҳамда Қозоғистонга экспорт қилиш режалаштирилган.

Шу ўринда айтиш жоиз, пандемия даврида корхона томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари учун имтиёзли нархда тиббий жиҳозлар етказиб бериш йўлга қўйилгани эътиборга молик.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси институтнинг Ишлар бошқармаси бошлиғи Камолиддин Уразалиевга отаси

**Тажиқул УРАЗАЛИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЗБЕКИСТОН – БОЙ МАДАНИЯТ, ҚАДИМИЙ ТАРИХГА ЭГА МАМЛАКАТ



*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил январь ойида Германияга амалга оширган расмий ташрифи давомида эришилган келишувларга мувофиқ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг исломшунос, шарқшунос олимларидан иборат делегация Германиянинг нуфузли университетлари, илмий-тадқиқот марказлари, музей ва қўлёзма фондларида бўлиб, соҳа мутахассислари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказганди.*

## Биз ва жаҳон

Сафар давомида Германия ва Ўзбекистонда исломшуносликка ихтисослаштирилган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, буюк аллома ва аждодларимизнинг Германияда сақланаётган нодир асарларини ўрганиш, ҳамкорликда конференциялар, илмий семинарлар ташкил этиш бўйича келишувларга эришилган эди.

Ана шу келишувларга мувофиқ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Германиянинг Гамбург университети ҳузуридаги Осиё — Африка тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда "Зарафшон воҳаси тарихи ва маданияти" мавзуи доирасида қатор илмий маърузаларни ўзида мужассам этган онлайн семинарлар ўтказилмоқда.

Ана шундай мулоқотларнинг дастлабкиси Гамбург университети ҳузуридаги Осиё — Африка тадқиқотлар институти директори, профессор Стефан Хайдманнинг "Бухоронинг Ислом салтанатига интеграцияси" мавзуидаги маъруза билан бошланди. Унда нафақат Ўзбекистон ва Германия илмий доиралари вакиллари, балки АҚШ ва Миср Араб Республикасининг шарқшунос ва исломшунос олимлари ҳам иштирок этди.

Яқинда мазкур онлайн-семинар дастуридан ўрин олган навбатдаги маъруза тингланди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, доцент Шовосил Зиёдов "Бухоро кутубхоналари тарихи" мавзуида сўз юритди.

Олим маъруза давомида Бухородаги илк кутубхоналар, Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасига оид янги маълумотлар, Жўйбор хожаларининг Говкушон кутубхонасига вақф қилган китоблари, Бухоро қозикалонларининг сулолавий кутубхоналарига доир қимматли маълумотлар берилди.

— Кутубхоналар тарихини ўрганиш Ўзбекистон ҳудудидаги илмий-маърифий даражани аниқлаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўрта Осиё тарихи бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар учун муҳим маълумотларни тақдим этиши табиий, — дейди Шовосил Зиёдов.

Олимнинг фикрича, мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад Бухоро ҳудудида мавжуд бўлган кутубхоналарни аниқлашдан иборат. Ўзбекистон қўлёзма фондларида сақланаётган айрим асарларнинг келиб чиқиш тарихи номаълум бўлиб қолаётган эди. Семинар Марказий Осиёда мавжуд бўлган китобат тарихи ва кутубхоначилик маданиятини тадқиқ этиш, ушбу ҳудудда яшаб ўтган зиёлиларнинг ҳаёти тўғрисида тўлиқ ва объектив билимга эга бўлиш, янги илмий маълумотлар билан танишишга имкон берди.

Германиялик олимлар иштирокидаги илмий семинарлар шу йилнинг март ойига қадар давом этади. Унда Ўзбекистон заминининг бой тарихи ва маданиятига оид долзарб мавзуларда маърузалар тингланади.

**«Халқ сўзи».**

# СУРАТИ ҲАМ ЯНГИ, СИЙРАТИ ҲАМ...

*Янги йил арафасида Ёзувчилар уюшмаси масъулларидан бири қўнғироқ қилиб, "Ёшулли, янги йилда янга билан Чинобод сиҳатгоҳида бир дам олиб қайтмайсизми?" деб қолди. Кампирга айтсам, "Ҳа, яна ичак-чавақ ювадиган жой чиқар...", деди паришонхотир.*

## Таассурот

Кампирнинг бундай ҳафсаласизлигида ҳам жон бор эди. Чунки бундан 16 йил муқаддам у билан Чинобод санаторийсида даволаниб, сиҳатгоҳнинг шифобахш булоқ сувлари "роҳати"ни кўргандик-да.

...Шу йил 3 январь куни билган манзилимиз бўйича келсак, Чинободнинг дарвозасини ҳам танимай қолдик. Беш қаватли ҳашаматли бинога айланма эшикдан ўтиб, гўёки жаннатнинг бўсағасини ҳатлагандек бўлдик. Одатда совуқдан илиқ жойга кирсангиз, шундай ҳис этасиз ўзингизни...

Чинободнинг тарихини адабиётдан билардим. "Ўткан кунлар"даги Кумушнинг ишқида Отабекнинг от ўйнатиб сафарга чиққанлари айни шу Чинободдан бошланади, сафарларидан маъюс қайтган йигитни маъюс қаршилаган ҳам шу — Чинобод!

Эрталаб кампир билан сиҳатгоҳ боғини айланиб, олдин даволанган масканларни кўздан кечирдик. Аввалги тарқоқ жойлашган муолажалар, фаввора ва булоқ сувлари, ҳовуз, спортзал, ошхоналар биз жойлашган беш қаватли битта иморатга жамланибди. Қойил! Сурати ҳам янги, сийрати ҳам... Чунончи, янги "Чинобод плаза"нинг кўркую салобати, бу ерда йўлга қўйилган замонавий хизматлар жаҳоннинг беш юлдузли меҳмонхоналаридан кам эмас, десак, асло муболаға бўлмайди.

"Сиҳатгоҳда ҳеч қандай камчилик кўрмадингизми?" дейишингиз ҳам мумкин. Баркамоллик Худога тан. Кўргандай бўлдик. Гап шундаки, муассасанинг ошхонаси жаҳонда машҳур "Швед столи" деган ўз-ўзига хизмат услубида иш бошлабди. Бу дегани "овқатни ўзинг олиб, ўзингга-ўзинг хизмат қил" деганигина эмас, турфа овқатларни ўзинг истаб, яъни иштаҳангга қараб, хоҳлаганча еб-ичишинг мумкин, дегани. Бу бизнинг меъёрсиз зеҳниятимизга эришроқ ва шифокорларнинг ташхисларига зид эди.

Сиҳатгоҳнинг дастлабки мижозлари бўлган ўқитувчиларга ҳам хуш келмади бу ҳолат. Ахир шунча озиқ-овқатнинг уволи ҳам бор-да! Кимдир буни эслатган шекилли, уч кундан сўнг овқатни буюртмалар бўйича столга олиб кела бошлашди.

Энг муҳими, сиҳатгоҳда муҳит ажойиб. Ҳамма бир-бири билан танишган, суҳбатлашган. Жонбахш диллашувлар Ватанимизнинг бугунги камоли, инсоннинг қадр топаётгани, заҳматли меҳнатлар эъзоз этилаётгани хусусида кечади.

— 2020 йил ҳамма учун ҳам машаққатли йил бўлди, — дейди Қизилтепа туманидаги 29-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Раҳбархон Азизова. — Шунга қарамай, эртамиз эгаларига масофадан онлайн дарс ўтдик. Зеро, таълим-тарбияда танаффус бўлмайди. Ушбу сиҳатгоҳга дам олиш учун йўлланма берилганини ана шу заҳматларимиз эътирофи, деб қабул қилдик.

Учтепа туманидаги 4-мусиқа мактаби ўқитувчиси Феруза Файзиева 35 йилдан бери таълим соҳасида меҳнат қиларкан. У соғлиғида нуқсони бор ўқувчилардан иборат "Нилуфар" мусиқа тўгарагини ташкил этибди. Ферузахоннинг ўқувчилари дарс давомида наъматакли чой ҳам ичишаркан. Сабаби улар таълим билан бирга шифо ҳам олар экан.

— Мен олдин бундай шароитда даволаниб кўрмаганман, — дейди Феруза Файзиева. — Бу ердаги муҳитнинг ўзи руҳимизга қувват бўлмоқда.

Ҳамюртларим Гулойим Сагиева билан Маҳмуд Юсуповни узоқдан танидим. Гулойим Қорақалпоғистоннинг Қонликўл туманидаги 21-умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти муаллими, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси, "Шуҳрат" медали совриндори. У бугун кечқурунги концертда қорақалпоқча "Ойсанам" қўшиғига рақс тушмоқчи. Маҳмуд эса Бўзотов туманидаги 13-умумтаълим мактаби директори, Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси. Унинг мактаби битирувчиларининг 60 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Шу он ёнимдан полвон келбат йигит ўтди. Мен уни спортчилардан бири бўлса керак, деб ўйлагандим. Суриштирсам, Бухоро вилоятидаги машҳур математика мактабининг директори экан. Унинг мактаби тажрибаси ва фаолияти бутун Ўзбекистон таълим тизимига намуна бўлмоқда...

Хуллас, сиҳатгоҳнинг илк дам олувчилари — жонажон Ватанимизнинг жавоҳир инсонлари, таълим, илм-фан, адабиёт соҳалари заҳматкашлари. Улар билан танишиб, дилдан суҳбатлашиб, шуни теран англадимки, кимки ўз касбини жони-дили билан севса, фидойилик билан меҳнат қилса, албатта, халқнинг эътиборига, давлатимиз эътирофига сазовор бўлади. Қани энди, навқирон авлодимиз бу устозлардан нафақат билим олса, балки ана шундай юксак фазилатларни ҳам ўзлаштиришса, эзгу орзу-умидларимиз рўёби янада тезроқ амалга ошарди.

Бу ердаги муҳит, юртдошларимиздаги ғайрат менда ҳам шижоат уйғотди. Икки йилдан буён буюк Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг қорақалпоқ тилидаги баёни устида ишлаётган эдим. Таржимага ўтган декабрь ойида нуқта қўйгандим. Унинг учинчи қисмини "Тўлғовлар" деган номда 12 — 17 ёшдаги ўспиринлар учун алоҳида китоб ҳолида нашр эттириш мақсадида юргандим. Ушбу асар таҳририни ушбу сиҳатгоҳда битирдим. Ҳазрат Навоийнинг сўнгги асаридаги донолик қорақалпоқ тилида сўйлаб, халқим билан саҳро кезсин, деб ният қилган эдим. Худо хоҳласа, мақсадимга эришдим, деб ўйлайман.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

# МАҚОМИ ОШГАН ЎҚИТУВЧИНИНГ МАОШИ ҲАМ ОШМОҚДА

**Улар ўн миллион сўмгача ойлик маош олаётир.**

## Таълим

*Юртимизда таълим тизимини бугунги талабларга мувофиқлаштириш мақсадида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, ўқитувчиларга зарур шарт-шароитларни яратиб берган ҳолда, билимли ёш авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.*

Бугун ҳаттоки, энг чекка қишлоқларимизда ҳам замон талабларига жавоб берадиган, барча ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан жиҳозланган, ўқув масканлари қад ростламоқда.

Хусусан, Қарши шаҳридаги "Avitsenna School" хусусий мактаби ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, қисқа муддатда ўқувчилар ҳамда ота-оналар эътиборини қозонди.

Айни пайтда ушбу билим масканида 7 — 11-синфларда 40 нафардан зиёд йигит-қизлар таҳсил олишяпти. Эътиборлиси, мактабда ўқитувчиларнинг маҳорати ва иқтидорига қараб, 10 миллион сўмгача маош тўланмоқда.

— Янги давр шиддати таълим тизимига ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларини қўймоқда, — дейди ушбу мактаб директори Муродилла Ҳалимов. — Президентимиз ўқитувчиларнинг меҳнатини қадрлаб, маошини минг долларга етказиш ҳақида айтган фикрлари бизнинг илм даргоҳимиз мисолида ўз ифодасини топаётир. Ўз касбига фидойи, жонкуяр ва салоҳиятли педагоглар ана шундай рағбат ва эътирофга сазовор бўлишяпти.

Дарвоқе, ушбу таълим муассасасида ҳар ҳафта якунида ўқувчилар олган билимлари бўйича тест синовларидан ўтади. Унинг натижалари эса ота-оналарга юборилади. Бу ёшларнинг фанларни қандай ўзлаштираётгани, билимларини янада ошириш ва ўз устида ишлашига имкон беради. Зеро, эришилган ва эришилаётган ютуқлар улар учун сўнгги марра эмас.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.




Баҳор кечки овқатдан сўнг идиш-товоқларни йиғиб, ошхонага келтирди-да, уларни ювишга тутинган жойида қўли ишга бормади. Кўнгли аллақандай нохушликни сезгандай бирдан юраги увишди, чой дамлаб, оила аъзолари жамулжам ўтирган равонга қайтди. Остонага етганида ичкари хона эшигида костюмини кўрсаткич бармоғига илиб осилтириб тутганича қаққайиб турган отасини кўрди. Онаси, укалари боягибояги хонтахта теграсида ўтиришарди.

— Ростданми?.. Ҳазиллашяпсизми?.. — деб сўради онаси ўтирган жойидан, отасининг қўлидаги костюмдан кўз узмай.

Катта укаси Бобур ҳам бўйнини чўзиб отасига ғалати алфозда бақрайиб қолганини кўрган Баҳор юраги бесабаб увишмаганига иқрор бўлди.

Отаси ғалати кулимсиради, бироқ бу кулимсираш унинг бўздай гезарган бетидаги мавҳумликни баттар кучайтириб юборди.

— Н-нега ҳазиллашай?.. Ҳазиллашадиган нарса м-мас-ку... — дея ғудранди у.

Мастура "дик" этиб туриб, эрининг ёнига борди, унинг қўлидаги костюмга тегса бармоғи куядигандек қўлларини орқага яширган кўйи костюмга "бош-оёқ" анграйди.

— Мана шу чўнтакка солгандим... Аниқ, аниқ эсимда... Пулни кассадан олгач, чангаллаганча хонамизга кирдим, санадим. Ҳеч зоғ кўрмади. Шу чўнтакка... Бор эди...

Сабриддин маош қўлига теккан пайтдаги ҳолатларни овоз чиқариб айтиб эслаяптими ёки хотини ва болаларига ҳисобот беряптими — тушуниш қийин эди.

— Қанчайди? — ташвишланиб сўради аёли.

— Нима қанчайди? Нимани излаяпсизлар?

Баҳор беихтиёр сўраб юборди-ю, тилини тишлади. Фақат у кўнглига тушган ғулғуланинг боиси шу топда аёнлашишини сезганидан тилини тия олмаган эди.

— Маошши ўғри урибди!..

— Вой-й! — деб юборди Баҳор оёғига қайноқ чой тўкилгандек турган ерида сачраб.

У илдам юриб келиб қўлидаги чойнакни хонтахтага "тақ" эттириб қўйди-да, укасининг гапига ишонмай онасига мўлтиради.

— Ваҳима кўтармаларинг! — деди Сабриддин ўзини босиб. — Аввал қарай-чи...

Отаси гапираётиб нафаси ичига тушиб кетди. Костюмнинг дам ички, дам ён чўнтакларига бирма-бир бесамар кириб чиқаётган қўли титрай бошлади.

— Пальтонинг чўнтагига солгандирсиз, балки? — деди Мастура ҳамон умидини узмай.

Сабриддин костюмининг илгичидан бармоғини ўтказиб тутганича ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай, костюмни икки буклаб билагига ташлаган кўйи пальтони кўтариб чиқди. Ота оила аъзоларининг кўз ўнгида энди пальто киссаларини титкилашга тушди. Аёли, қизи, катта ўғли, ҳали бешга тўлмаган кенжаси — ҳаммалари нафасларини ичига ютиб, Сабриддиннинг қўлидан кўз узишмади.

Ва ниҳоят:

— Йўқ, — дея ғўлдиради Сабриддин узил-кесил маънода бошини сараклатиб.

— Вой, шўрим-мм! Бошқа нарсаларингиз жойидами?..

— Ж-жойи...

— Қ... қаранг, ахир...

— Қарадим... — Сабриддин шундай деди-ю, пальто ва костюм киссаларига қайта бошдан бирма-бир қўл суқишга тутинди. Икки-уч парча-пурча қоғоз, автобуснинг ойлик чиптасидан бўлак матоҳ чиқмади.

— Шунақаям бепарво бўласизми, дадаси?

Сабриддин аёлидан бу қадар мулойимликни кутмаган эди, ваҳоланки, бидиллаб, вайсаб қулоқ-миясини егудек бўлса, бўралатиб сўкинмоқчи, шу тарзда ўзи ҳам хумордан чиқмоқчи эди, аксига олиб Мастура... Сабриддин хотинига ачиниб кетди. Унинг кўзига қаролмади. Кулди. Кулгиси жуда беўхшов чиқди.

— Нега бепарво бўлар эканман? — деди ўзини оқлаб. — Опкелиб қўлингга тутқазмоқчи эдим. Қизинг сўраётганини оберақолайлик, қолганини Бобурбойнинг мактабига берасанми, Ботирбекнинг боғчасига берасанми — янаги маошгача рўзғорни амаллаб тургин, демоқчи эдим.

— Шунга хаёлингиз кетган-да, хаёл чалғитган.

— Киссадаги пулга хаёлнинг нима зиёни бор?..

— Зиёнини кўриб турибсиз-ку!.. Шу-унча пулни икки қўллаб олдири-иб ўтирибсиз-ку!.. Қайси киссангизда эди, ўзи?

Шу топда Сабриддин йўқотган бир даста пулининг топилишига яна умид боғлади.

— Сен қара-чи, — деди хотинига, костюмининг қўйинидаги киссани кўрсатиб. — Қоғозга ўраб, жойлаб қўйгандим...

Мастура эрининг костюмини қўлига олишга ҳам чўчиди, назарида киссага қўл суқса, биров бармоқларидан тутиб қоладигандек юраги бетламади.

— Баҳор, қаққайма, бери ке, сен қара-чи!..

Баҳор индамайгина дадасининг ёнига келди-да, костюмнинг қўйин киссасига оҳиста қўл суқди.

— Ички чўнтакдан қанақаси олади, дада? Устингизда пальто бўлса?..

Ҳозирги аҳволида Сабриддин аёлининг эмас, ўғил-қизларининг олдида ҳам ўзини гўдак боладек тутаётган эди. У елкасини қисди.

— Йиртилмаган, — деди у қатъий товушда.

— Қирқилган! — Онасининг гапига илова қилди Баҳор.

— Пискада қирқади, улар! — дея ваҳимага мой сепди Бобур.

— Сен ҳам четда қолма, тахмининг бўлса, айт, — деди Сабриддин кенжасига тиржайиб. Сўнг аёли, қизи бамисоли мотам тутишаётганини кўриб, жиддийлашди. Костюмини, устидан пальтосини кийиб, тугмаларининг барини эринмай қадади. У не ниятда бундай қилаётганини бошқалар тушунолмай, ҳайрон бўлиб туришганда Ботирбек дадасининг оёғига тирмашди.

— Тетманг ада!.. Тетманг!

— Кетмайман, ўғлим, — деди Сабриддин кенжатойининг бошини силаб. Ва бутун оила аъзоларига янги қўйилаётган томошадан лавҳа кўрсатмоққа шайланган театр актёри сингари хатти-ҳаракатлар билан гапга тушди:

— Ишхонамдан шу кийимда, шу алфозда чиқдим.

— Йўлда бирон ёққа кирмадингизми?

— Йўқ, — деб бошини сараклатди Сабриддин аёлига. — Автобусга чиқдиму, уйга келавердим.

— Одам кўпмиди? — сўради Баҳор.

— Йўқ, аввалига кўп эмас эди. Икки-уч бекат ўтгач, йўловчи кўпайди.

— Ўзимни ҳам ақлим бовар қилмаяпти... — деб ғудранди.

— Автобусда одам кўпмиди? — дея савол қотди Бобур кўпни кўрган изқуварларга хос жиддий алфозда қош-кўзини чимириб.

— Кўп эди. Тиқилинч... Барибир, пальтонинг остидаги костюмнинг ички чўнтагида пул борлигини қандай билди экан, бадбахт?!

Шу пайт Баҳор барча шубҳаю тахмин ва гумонларга нуқта қўйди.

— Вой-й! — деб чинқириб юборди у тўсатдан чийиллаб. Унинг костюм чўнтагига суққан тўрт бармоғи киссанинг ён томонидан ёриб чиқди. — Чўнтак йиртиқ-ку, дада!

Сабриддин, Мастура ҳанг-манг бўлиб қолишди. Бирин-кетин йиртиқ чўнтакка қўл суқиб кўришди. Энсиз, узун киссанинг биқини тиккасига очилиб ётарди.

— Қачон йирта қолдингиз? — ҳайрон бўлиб сўради Мастура эридан.

— Йиртмадим, бутун эди, — деди Сабриддин. — Кеча, бугун эрталаб кавлаганимда ҳам бутун эди. Тушликдан кейинроқ маош олдим, хонага кириб санадим, аввал чўнтакни кавладим, ҳеч вақо йўқ эди, сўнг пулни жойладим, мана энди!..

Сабриддин минғирлаб гапини адо қилгунича Мастура қизи билан ҳамкорликда киссанинг йиртиғини кўздан кечириб улгурди.

— Ўтириб олмабсиз-да, дадаси?..

— Бўш ўриндиқ бўлмаса, оёқ остига ўтирмайман-ку, онаси, — деди Сабриддин ўпкалаб.

— Тугмангиз тақилганмиди? — сўради Баҳор.

— Тақил...ган... билмадим, эсимда йўқ.

— Тақмагансиз, — деб дадасига "кўмаклашди" Бобур.

— Аввалига тақилган эди, — ёдига тушиб деди Сабриддин. — Йўловчи кўпайгач, исиб кетдим шекилли, пальтонинг тугмаларини бўшатдим.

— Костюмникини ечмагандирсиз?

— Ечмадим, ечмадим. Лекин ички чўнтакда, қўлтиқнинг остида пул борлигини қайдан билдийкин, аблаҳ?!

— Дўмпайиб турган, шундан билиб, таваккал қилган-да, қирилгур!

Сабриддиннинг чиройи очилди.

— Топдинг, таваккал қилган. Таваккал қилмаса, костюмнинг ички чўнтагини қирқиб, пул ўмаришни унча-мунча одам эплолмайди!..

— Шартта қўлини тиққану, лезва билан қирққан, тамом!

Бобурнинг ваҳимасидан Мастуранинг эсхонаси чиқиб кетди.

— Қурибгина кетсин-а, эпламай!.. Хайрият, биқинингизни тилиб юбормабди!..

— Баданимга тегса сезардим-а!

— Э, нафасингизни ел учирсин!

— Ўша тирбанд автобусда, қўйнимга қўл суқиб, чўнтагимни кесибдими — эплагани-да!.. Илло, қойилман!

— Нимага қойилсиз?! — бурнини жийириб савол қотди Мастура энсаси қотиб.

— Пальтонинг остидаги костюмнинг ички чўнтагидан эплаб олдими, қойил-да!

— Сизга қолса, бориб қўлини сиқиб, табриклаб ҳам келасиз!..

— Топсам-ку, ўзим биламан-а, қандай табриклашни!.. — У шундай деб бирдан жим бўлди, сўнг ўзича минғирлади: — Ёки пальтонинг этаги...

— Пальтонинг пул турган томондаги этаги очилиб қолган, ўғри шундан фойдаланган.

Сабриддин қизининг топқирлигига тан берди.

— Тўғри, Баҳор, бир пайт ўгирилсам, пальтонинг чап этаги икки киши орасида қисилиб қопти, базўр тортиб, суғуриб олдим.

— Сиз пальтонинг этагини суғуриб олгунча ўғри пулингизни суғуриб олган, ишини битириб улгурган!

— Костюмнинг тугмасини ечмасдан-а?!

— Ечиб зарилми?! Сизни чалғитса бас-да, улар!..

— "Улар" дейсанми?!

— Киссавурлар ёлғиз юрмайди, дада. Тўда-тўда бўлиб юради. Камида икки-учталаб, бешталаб юради.

— Бешталаб?! — Шундай деб Мастуранинг кўзи чарақлаб, ола-куласи чиқиб кетди. — Яхшиям сезмаганингиз, дадаси! Тағин тўрттабешта киссавур билан ёқалашиб, вой, бир Худо асрабди-я!.. Бош-кўзингиздан садақа-я, ўша маошингиз!..

Сабриддин ичакузди латифа тинглаган одамдай очилиб кулди.

— Шу маошга беш киши овора бўлгани кулгили!..

— Бешта — ҳали ҳаммаси эмас, улар ҳам ўмарганидан чўтал чўзади.

— Маошнинг ўзи чўталча чиқмайдию, нимасини бўлишади? — Энди Сабриддин тақдирга тан берибгина қолмай, кўнглига мутойиба ҳам сиғаётган эди. — Чўнтак қирққанига тузукроқ тегар, ўлдими! Бўлишай деса урвоқ ҳам бўлмас!..

— Бола-чақамизга урвоқ бўлмайди-ку, чўнтаккесарга юқармиди?!

— Ў, бечора бадбахт!.. Шу-унча юрак ютиб, таваккалига сездирмай-нетмай чўнтак кесиб, менинг маошимдан барака топармиди?!.

— Рўзғор, ош-нон дегандай.

— Маош ўғрига ош-нон бўлармиди? Маош рўзғорга, қора қозонга мўлжаллангани учун ҳам ма-ош, мен эса ҳардамхаёллик қилиб, киссавурга ма, ош қип кепман...

— Куласиз-а, дадаси, — ўзи ҳам кулимсираб деди Мастура боягиндан анчагина юмшаб. — "Тавба" денг, жонингиз омон қолганига шукр қилинг. Фақат уйдаги ўғриларингиз нима қилади, энди?..

— Сабр қилади, онаси. Ҳадемай яна маош беришади, ма, ош...

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.10 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6